

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1253-ҳадис

1253 - وَعَنْ أَبِي عَطِيَّةٍ قَالَ: دَخَلْتُ أَنَا وَمَسْرُوقٌ عَلَى عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، فَقَالَ لَهَا مَسْرُوقٌ: رَجُلَانِ مِنْ أَصْحَابِ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، كِلَاهُمَا لَا يَأْلُو عَنِ الْخَيْرِ: أَحَدُهُمَا يُعَجِّلُ الْمَغْرِبَ وَالْإِفْطَارَ، وَالْآخَرُ يُؤَخِّرُ الْمَغْرِبَ وَالْإِفْطَارَ؟ فَقَالَتْ: مَنْ يُعَجِّلُ الْمَغْرِبَ وَالْإِفْطَارَ؟ قَالَ: عَبْدُ اللَّهِ - يَعْنِي ابْنَ مَسْعُودٍ - فَقَالَتْ: هَكَذَا كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصْنَعُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ [1099].

قَوْلُهُ: «لَا يَأْلُو» أَي لَا يَقْصِرُ فِي الْخَيْرِ.

1253. Абу Атиййа розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Масруқ иккимиз Оишанинг олдига кирдик. (Масруқ) унга: «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан икки киши бор, иккови ҳам яхшиликда бўш келмайди, бири шомни ҳам, ифторни ҳам тезлатади, иккинчиси эса шомни ҳам, ифторни ҳам кечиктиради», деди. (Оиша) «Ким шомни ҳам, ифторни ҳам тезлатади?» деди. У: «Абдуллоҳ, яъни Ибн Масъуд», деди. Шунда у: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам худди шундай қилардилар», деди».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Ифтор қилиш, яъни оғиз очиш учун шошилиш ва саҳарликни кечиктириш Пайғамбаримизнинг тавсия қилган ҳамда амалда кўрсатиб берган суннатларидир. Бу икки масала билан алоқали ҳадисларнинг барчаси саҳиҳдир. Нававий бу ҳадислардан тўрттасини зикр қилганлар.

Биринчи ҳадис, рўзадорлар оғзини очиш учун шошилса яхши бўлиши хабар берилган. Чунки бу амалда биринчидан Расулуллоҳ с.а.в.нинг суннатларини бажо қилинмоқда. Сўнгра осмонда юлдузлар кўрингандан кейин рўзасини очган аҳли китобларга муҳолифлик бордир. Афсуски мусулмонлар орасида ҳам ифторни кечиктирган ва буни одат ҳолига айлантириб олган бидъатчи фирқалар ҳам пайдо бўлган. Нафсни тарбия қилиш мақсадида оғиз очишни кечиктириш, суннатни тарк қилиш билан баробар бўлганлиги учун тўғри эмас. Бу йўлда Пайғамбарга эргашиш энг тўғри йўл. Пайғамбарнинг суннاتини тарк қилган ибодат қилаётган бўлса ҳам адашганлардан саналади. Шу сабабли саҳоба киромлар ифторни эртароқ қилар, саҳарликни эса кечиктирар эдилар.

Иккинчи ҳадис. Кун ботиши биланоқ ифтор қилиш бу умматнинг яхши йўлда эканлигини кўрсатади. Тобеъинларнинг буюкларидан Абу Атийя ҳамда жоҳилия даврида яшаб Пайғамбарнинг даврини кўрганига қарамасдан саҳоба сифатина ололмаган кимсалардан бўлган Масруқ бир ҳолатни сўраб ўрганиш учун Оиша (р.о.)нинг ёнига боради. Пайғамбаримизнинг саҳобаларидан яхшилик ва амалларда бир-биридан қолишмаган икки киши, фақат булардан биринчиси шом намозини ўқишда ва рўза тутганда оғзини очишга шошилган, иккинчиси эса буларда шошилмаганлигини айтиб буларнинг қайси бирининг суннатга мос иш қилганини сўраган. Оиша онамиз эса: «Булар кимлар эди?» деб сўрашнинг ўрнига, у икки масалада ҳам шошилган кимсанинг ким эканлигини сўраган. Оиша онамизнинг бу муомаласи, тўғри амал қилган мусулмонларни тақдирлаш бўлган. Бу инсоннинг Абдуллоҳ ибн Масъуд эканлиги айтилганида, «Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам шундай қилар эдилар» деб Пайғамбаримизнинг суннاتининг ҳакамлиги билан масалани ечган. Бу ерда диққат қилишимиз керак бўлган бир масала Оиша онамизнинг, «Шу ишларни қилган кимса тўғри қилди» деб айтишнинг ўрнига тўғридан-тўғри Пайғамбаримизнинг суннатига ишора қилганлигидир. Бу эса, этироз билдира олинмайдиган далилни ўртага қўйиш саналади. Ихтилофларни ечишнинг йўли ҳам шудир. Шунингдек, илк мусулмон наслларнинг, Пайғамбарнинг суннاتини бажо келтиришга қанчалик ҳаракат қилганини яна бир маротаба шоҳиди бўлдик.

Учинчиси ҳадиси қудсийдир. Оғиз очишда шошилишнинг аҳамияти бу ҳадисда ҳам айтилмоқда. Чунки Улуғ Роббимиз: «Бандаларимнинг менга маҳбуброғи оғиз очишни тезлатганлари» деб буюрмоқда. Суннатга бўйин эгиш, Аллоҳнинг муҳаббатига ноил бўлиш сабабидир, деб айтишимиз мумкин. Ояти каримада: «Агар Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, менга эргашинг. Аллоҳ сизга муҳаббат қилади ва сизларнинг гуноҳларингизни кечиради», деб айт..» (Оли Имрон сураси, 31-оят) деб буюрган.

Катта кичик демасдан барча масалада Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг суннатларига эргашиш Аллоҳнинг севгисига сабаб бўлишини идрок қилишимиз керак.

Тўртинчи ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом кеч кирганини билишнинг

йўлини ўргатмоқдалар. «Тун мана бу ёқдан (кунчиқар томондан) кирса, кун мана бу ёққа (кунботар томонга) кетса ва қуёш ботса, демак, рўзадорнинг ифтор вақти бўлибди».

«Рўзадорнинг ифтор вақти бўлибди» сўзи хабар жумласи бўлиб, «Рўзадор ифтор қилсин, кечиктирмасин» деганидир. Зеро кун ботиши, кеч кирди демакдир. Кеч эса рўза вақти эмас. Шаҳардан ташқарида, адирларда, йўлларда, тақвим ва соат орқали билиш мумкин бўлмаган ҳолатларда шом вақти бўлганини билишнинг энг осон йўлини бу ҳадисда кўрмоқдамиз.

Манба: hadis.islom.uz

